

Байрамингиз муборак ҳарбий ватанпарварлар!

Ватанни севгувчи ватанпарварлар,
Юракда ўти бор марду - майдонлар.
Она юрт тинчлигин сақлар посбонлар,
Байрамингиз муборак азиз ўғлонлар.

Мамлакатимизда мустақиллигимиз шарофати туфайли миллий армиямиз ташкил топди. Мана бу йил миллий армиямиз 22 ёшга тўлди. Ватанимизда 14 - январ ҳарбий ватанпарварлар куни байрам сифатида нишонланади. Шу муносабат билан Республикамиздаги барча ҳарбий ватанпарварларни, “Ватанпарвар” газетаси ходимларини қизгин табриклаймиз! Соғлиқ, куч қувват тилаймиз.

Муҳтарам президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларга, айниқса ҳарбий ватанпарварларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ташаббуслари билан республикамизда ташкил этилган тўртта ҳарбий лицей, жумладан Хоразмда 2008-йил ташкил этилган ҳарбий юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Ҳарбий юридик йўналишдаги академик лицейимизда ҳуқуқ ва гуманитар фанлар шунингдек физика ва математика фанлари ҳам чуқур ўрганилади. Олий ҳарбий техника ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлаш, ҳарбийлик касбини эгаллашга замин яратилади. Лицейимизда бунинг учун барча имкониятлар яратилган замонавий асбоб усканалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, кимё, физика лаборатория хоналари, компьютер хоналари, ахборот ресурс маркази, спорт, маънавият заллари, шинам жиҳозланган ётоқхона, ошхона, талабаларни тўрт маҳал иссиқ овқат ва кийим кечаклар билан таъминланиши ҳеч бир мамлакатда бундай меҳр кўрсатилмаганининг исботидир.

Ҳурматли президентимиздан Хоразм халқи жуда миннатдор, чунки мустақиллик шарофати туфайли вилоятда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва яна давом қилмоқда. Жалолиддин Мангуберди хайкали ва унга яқин жойда ҳарбий лицейнинг ташкил этилиши, жалолиддинчи ватанпарварларни тарбиялашга ундовчи эканлигидан халқ мамнундир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигининг қарорлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўқув режаси, тармоқ таълим стандартига таянилган ҳолда лицейда фанлардан ўқув дастури, ишчи дастур ва тавқим мавзуий иш режалар асосида таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришиш учун педагог ва ҳарбийлар ҳамкорликда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бермоқдалар:

- Ўқувчиларнинг ҳарбийлик касбига қизиқишини ошириш, фанлардан олган назарий билимларини амалиётда қўллай олишларини ривожлантириш;

- Ўқитувчи ҳар бир дарс мавзусини ижодий ёндашиб, ҳарбийлик касбига боғлаб янги педагогик, инновацион, ахборот, компьютер технологиялари, интегратив услублардан самарали фойдаланиб ўтиши ва ўқувчиларга маънавий озиқ бериш;

- Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан мунтазам шуғулланиш;

- Дарсда ва дарсдан ташқари ўқувчилар билан индивидуал ишлаш;

- Дарсдан кейин қўшимча дарс машғулоти, маънавий, маърифий тадбирларни ўтказиш;

- Ўқувчиларнинг билимини назорат қилишнинг тест усулини кучайтириш;

- Билимни ўзлаштириш ва таълимни сифат даражасини аниқлаш мониторинги бурчагини ташкил этиш;

- Ўқувчиларнинг дарслик ва қўшимча адабиёт, интернет материалларидан тўғри, унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Бугунги замон ёшлари ҳар томонлама баркамол ватанпарвар бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар бир педагог дарсни мавзуга мос миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик, ватанпарварлик, маънавият, экология билан боғлаб интеграллашган билимлардан фойдаланган ҳолда, техник воситалар ёрдамида ўтади.

Ўқувчиларнинг ўтилган мавзулар бўйича билимларини аниқлашда оралиқ тест назоратлари, умумий бўлимлар бўйича ўз билимини синаб кўришда эса компьютер воситасидаги Dtm TEST и муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек лицейимизда фанларни ўқитишда сифат ва самарадорликка эришиш омилларидан бири янги педагогик технологияга асосланган ҳолда ҳар бир мавзунини ўтишдан олдин дарсни қандай ўтишни лойиҳалаш ва самарасини олдиндан кўра билиш режалаштирилади. Дарснинг мақсади ўқувчиларга олдиндан айтилади. Шу асосда ўқувчиларнинг дарсга қизиққиши, фаоллиги таъминланади. Мавзунини ўтишда ўқувчиларнинг ҳарбийлик касбига йўналишини назарда тутилади. Айниқса, табиий фанлар жумладан физика фанини ҳарбий техника билан боғланиш томонларига алоҳида урғу берилади. Масалан: 1-курсда «Горизонтал отилган жисмнинг ҳаракати», «Горизонтга қия отилган жисмнинг ҳаракати» мавзуларини ўтишда снаряднинг ҳаракати билан таққослаб ўрганилади. Балластик ракета ҳаракати тажрибада лаборатория ишида кузатилади. 3-курсда «Электромагнит тўлқинлар», «Радионинг кашф этилиши», «Радиолокация» каби мавзуларни ўтишда ҳарбий ходимлар билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Академик лицейимизда таълимда сифат ва самарадорликка эришиш омилларидан яна бири иқтидорли болалар билан мунтазам ишлаш ва улар билан режали иш олиб боришдан иборат. Ҳар бир боланинг ўзига яраша иқтидори, қобилияти бор. Уни аниқлаш эзгулик йўлига йўналтириш ва ривожлантириш ҳар бир тарбиячининг бурчи ҳисобланади. Бунга амал қилган ҳолда лицейда «Иқтидорли болалар клуби» ташкил қилинган. Унда иштирок қилувчи болалар «Космонавтика тарихи», «Учувчи космонавтлар ҳаёти», «Космонавтика ва экология», «Лазерлар ва уларнинг қўлланилиши», «Само электростанцияси» каби мавзуларда қўшимча адабиётлар,

интернетдан материаллар тўплаб ижодий изланиш олиб боришади. 2011 йил 3-курс ўқувчиси Аминов Бобомурод «Само электростанцияси» мавзусидаги маърузаси ва ясаган модел макети билан «Келажак овози» кўрик танловининг вилоят босқичида қатнашиб фахрли III ўринни олди ва республика босқичида қатнашди.

Таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришишда синфдан ташқари тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса фан ойликларини ўтказиш.

Фан ойликлари белгиланган режасига асосан олдиндан тузилган ва тасдиқланган тадбирларга кўра олиб борилади. Масалан физика ойлигида «УрДУнинг физик олимлари билан учрашув», «Физикадаги фан техника янгиликлари, нанотехнология», «Расмларда физик қонуниятлар», «Физик кроссворд», «Физик топишмоқлар», «Ўйла, изла, топ! Ҳар қадамда физика», «Физик викторина саволлари», «Физик масалаларни ечинг», «Физик тестлар», «Физика ва ҳарбий техника», «Физика ва лирика» кечаси «Ўткир зеҳнлилар интеллектуал ўйини», физик моделларни яшаш каби беллашувларни ўтказиш бунинг ёрқин намунасидир. Фан ойлиги охирида ғолиблар аниқланади ва эсталик совғалари, фахрий ёрлик билан тақдирланади. Айниқса, «Расмларда физик қонуниятлар» мавзуси лицей залида ташкил этилган кўргазмалар доскасида намойиш этилади. Бу расмларда фанлардаги интегратив технологиядан фойдаланган ҳолда «Расмга қараб ўзбек халқ мақолини тузинг ва бу қайси физик қонуният?» каби саволлар орқали миллий маънавиятимизга, Ватанга ҳурмат руҳида тарбияланади. Шунингдек вилоятимизда 14- декабрдан 14-январгача ўтказиладиган «Ватанпарварлар» ойлиги, «Буюк ва мукаддас мустақил Ватан», «Мен ҳарбий бўлмоқчиман», «Ўғил бола-ота она ва Ватан ор номуси», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фаровонлигимиз кафолати», «Амур Темур авлодлари» экологияга доир «Илоҳий сайёра» видеофильмини кўриш каби тадбирлар, УрДУ олимлари, Урганч шаҳар Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати, спорт мусобақа ўйинлари, вилоят фан олимпиадаларида талабалар фаол қатнашмоқдалар.

2012 йил лицейимиз тарихида унитилмас самарали йил бўлди. Инглиз тили фани ўқитувчиси Роза Машарипова мамлакатимизнинг юксак мукофоти «Шухрат медали» билан тақдирланиши, физика-математика чуқур ўрганилиши йўналишининг иккинчи йили самараси натижасида ўтган ўқув йилида битказувчи ўқувчиларнинг қирқ фоизи олий ўқув юртига кириши қувонарли бўлди. Лицейимиз директор ўринбосари подполковник М.Ю.Агаев ҳам коллективини ҳурматли юртбошимиз айтганларидек Ватан учун, юрт учун ёниб яшашга, ватан ҳимоячиларини тарбиялашда янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Келгусида Она сайёрамизда ҳаётни асрайдиган ҳар томонлама баркамол интеллектуал, ватанпарвар, авлодларни тарбиялаш шарафли бурчимиздир.

Истиклолга қалқон сиз мард ўғлонлар,
Сиз туфайли тинчдир Ватан, сарҳадлар.
Она юрт таянч тоғи, сизку ҳарбийлар,
Байрамингиз муборак ватанпарварлар.



Ёшларни харбий ватанпарварликка тайёрлаш жараёни
ўқитувчиси О.Яқубов



Информатика фани ўқитувчиси А.Ибодуллаев.



Лицей биноси олдида харбийлар сафда



Ватанимиз фахримиз, унинг сарҳадлари,
байроғи ишончли кўлларда.

Ҳарбий юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи директори:
С.Яхшимуратов.
Ҳарбий юридик йўналишдаги Урганч академик лицейи физика фани
ўқитувчиси: п.ф.н. М.Р.Жуманиёзова.
+998937442056

